



## ПЕДАГОГЛАРНИ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Худойбердиева Жанона Рустамовна**

*ЎзПФТИ мустақил изланувчиси*

*Педагог ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизимининг самарадорлиги уларнинг қай даражада касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларини қаноатлантирилиши ва индивидуал хусусиятларининг эътиборга олинишига узвий боғлиқ. Шу мақсадда тизимга педагогларни узлуксиз касбий ривожлантиришнинг манзиллилиги ва узлуксизлигини таъминлашга қаратилган технологияларни жорий қилишга нисбатан жиддий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.*

*Мазкур мақолада узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнини индивидуаллаштириш, унинг моҳияти, даражалари, педагогнинг индивидуал таълим траекторияси тузилмаси ва лойиҳалаш босқичлари ёритилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *индивидуаллаштириш, индивидуал таълим дастури, индивидуал таълим маршрути, индивидуал таълим траекторияси.*

The effectiveness of the pedagogical professional development system depends on the extent to which their professional difficulties and needs are met and that they are accounted for their individual characteristics. For this purpose, serious efforts are being made to introduce technologies aimed at ensuring the addressability and continuity of professional development of teachers.

This article describes the individualization of the retraining, its essence, the levels, the structure of pedagogue's individual education trajectory, and the design stages.

Key words and phrases: Individualization, Individual Education Program, Individual Education Route, Individual education Trajectory

Эффективность повышения квалификации педагогических кадров обусловлена степенью учета их индивидуальных особенностей и удовлетворения профессиональных затруднений и потребностей. С этой целью в системе реализуются определенные меры внедрения технологий, обеспечивающие адресности и непрерывности повышения квалификации педагогов.

В данной статье освещены сущность индивидуализации процесса повышения квалификации, а также, её степени, структура и этапы проектирования индивидуальной образовательной траектории педагога.



Ключевые слова: индивидуализация, индивидуальная образовательная программа, индивидуальный образовательный маршрут, индивидуальная образовательная траектория.

Малака ошириш таълими муассасаларининг амалий фаолияти, ўқув режа ва дастурларининг таҳлили ҳамда бир неча йиллик кузатишлар курсларда асосий эътибор педагог ходимларнинг умумий тайёргарлигини, касбий компетентлигини такомиллаштирилишиги қаратилишини, барча учун бир хилдаги усул, методларнинг қўлланилаётганлигини, уларнинг касбий хусусиятлари индивидуализми, маҳорат даражаси ва эҳтиёжлари етарлича инobatга олинмаётганлигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан педагогларни узлуксиз касбий ривожлантриш тизими олдида кечиктирмасдан ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар турибди. Улардан бири педагогни сушт объектдан фаол, мустақил, интилувчан, рақобатбардош, яъни фаолиятдан кўзлаган мақсад, вазифаларини тушунадиган, қандай ва қай даражада касбий маҳоратга эга бўлиши лозимлиги, имконияти ҳамда қобилиятларини биладиган субъектга айлантришдир. Мазкур ҳолатда муаммонинг самарали ечимига жараёни педагогларга ўз ички салоҳиятидан мумкин қадар фаол фойдаланиш, касбий эҳтиёжларини англаш ва уни коррекциялашга шароит яратувчи индивидуаллаштириш орқали эришиш мумкин.

Педагогик энциклопедияда кўрсатилишича, индивидуаллаштириш деганда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳисобга олинadиган, уларнинг ўқув-билув фаолиятини бошқариш тизими тушунилади. Индивидуаллаштирилган ўқитиш эса ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш асосида танланган ўқитиш йўллари ва турли ўқув-услубий, психологик-педагогик ҳамда ташкилий бошқарув тадбирлари орқали таъминланишидир [9; 83-84-б.]. Шунингдек, жараёнда ўқитиш усули ва суръати таълим олувчиларнинг индивидуал фарқлари, ўқишга бўлган қобилиятларининг ривожланиш даражасига кўра танланиши инobatга олинади [10; 201-б.].

Е.Бондаревский, С.Вершловский, В.Загвязинский, Д.Зембицкий, А.Петровский, В.Кан-калик, М.Поташникларнинг тадқиқотларида педагогик профессионализм шаклланиши ва ривожланишининг оммавий услубларидан индивидуалларига ўтиш зарурияти, истиқболлари аниқланган. Таҳлиллар ва тадқиқотлар мазкур муаммоларни ечишда таянч нуқта бўлиб, педагогнинг ўз позицияси, янгича педагогик тафаккурга эга бўлиш қобилияти, эҳтиёжи, алоҳида педагогик дастурлар, технологияларни танлаш ҳамда ишлаб чиқиш кўникмаси билан белгиланишини кўрсатади [2; 78-б.].

И.М.Осмоловскаянинг фикрича, индивидуаллаштириш таълимни табақалаштришнинг муҳим шакли бўлиб, унда ўқув жараёни нафақат гуруҳнинг, балки ҳар бир таълим олувчининг хусусиятларини ҳисобга олган



ҳолда қурилади. И.Э.Унт индивидуаллаштиришни ўқитишнинг қандай шакл ва методларидан фойдаланилишидан қатъи назар ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш сифатида тушунади [7; 184-б.]. Зеро, “индивидуаллик – инсон ва унинг ижодидаги қимматлилиқдир” [11; 92-б.].

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнини индивидуаллаштириш деганда педагогларнинг ички салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг алоҳида хусусиятлари, эҳтиёжлари, мотивлари инобатга олинадиган, шахсий-касбий сифатларини такомиллаштиришга йўналтирилган, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари асосида индивидуал таълим траекториясини қуришга шароит яратиладиган табақалаштирилган жараённи тушунамиз.

Узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнини индивидуаллаштириш қуйидаги йўналишларда татбиқ этилиши мумкин:

- мазмунига кўра, тингловчиларга узлуксиз касбий ривожлантириш курслари ўқув режа ва дастурларини тузиш жараёнида иштирок этиши ҳамда белгиланадиган таълим йўналишига ўзгартиришлар киритишига имконият берилиши;

- ҳажмига кўра, тингловчиларнинг лаёқати, қобилияти, ўзлаштириш суръати, педагогик тажрибасини инобатга олган ҳолда эҳтиёж ва қизиқишларига кўра фанини чуқурроқ ўрганишига шароит яратилиши;

- вақти ва муддатига кўра, узлуксиз касбий ривожлантириш жараёни мазмунининг маълум ҳажмини ўрганиш тингловчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳамда тайёргарлик даражаларига кўра белгиланиши.

Кейинги даврлардаги илмий адабиётларда педагоглар касбий ривожланиши ва узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнини индивидуаллаштиришни тавсифловчи турли хил атамалар қўлланилмоқда. Тадқиқотимиз нуқтаи назаридан уларнинг таҳлили алоҳида эътиборга молик.

Индивидуал таълим дастури – таълим олувчининг шахсий, ўқув, касбий қизиқишлари, эҳтиёжлари, талаблари асосида мустақил ишлаб чиқиладиган, шахсий ва касбий ривожланишига йўналтирилган ўқиш ёки бошқа фаолиятининг дастлабки дастуридир [6; 228-б.; 14; 43-б.]. Шунингдек, таълим олувчининг келгусидаги фаолияти, мақсади, мазмуни, натижалари, вақти, жойи, воситалари ва педагоглар ҳамда бошқа таълим олувчи субъектлар билан ўзаро таъсири ҳақида тушунчаси (тасаввури) сифатида ҳам талқин этилади [12; 42-б.].

Узлуксиз касбий ривожлантириш курслари шакллариининг хилма-хиллиги унинг самарадорлигини тўла таъминлаш учун етарли бўлмайди, тўхтама билан М.Жуманиёзова ўз тадқиқотларида курснинг мазмуни муҳимдир ва у индивидуал малака ошириш дастурлари асосида тузилиши лозим, деган хулосага келади. Лекин, индивидуал малака ошириш дастурини асосан курслар оралиғида ўқитувчини фан йўналишидаги замонавий билимлар, педагогика-психология соҳасидаги янгиликлар билан таништириб боришга йўналтирилган



восита сифатида қарайди [4; 88-96-б.]. Бизнингча, бу жараён ўқитувчини ўз мавқеи, вазифаси, бурчини англаган ҳолда касбий ривожланиш стратегиясини назарда тутиши, малака ошириш курслари, турли методик тадбирларда иштироки, ўзини такомиллаштиришга қаратилган барча касбий ҳаракатларини қамраб олиши зарур.

Индивидуал таълим йўналиши С.В.Воробьева, Н.А.Лабунская, А.П.Тряпицина каби тадқиқотчиларнинг фикрича, маълум мақсадга йўналтириб лойиҳаланадиган, табақалаштирилган таълим дастури бўлиб, ўқувчиларга танлаш имкониятини, ўз мавқеини белгилаши, ўзини рўёбга чиқаришида ўқитувчилар томонидан педагогик қўллаб-қувватланиши орқали таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлайди [3; 4-б.]. Индивидуал таълим йўналиши ўқувчининг ишлаб чиқилган индивидуал таълим дастури асосида аввалдан ўзи белгилаган йўли бўлиб, унда ўқитиш ва вақт мезонлари, ўқиш босқичлари аниқ кўрсатилади ҳамда мураббийнинг педагогик қўллаб-қувватлаши орқали амалга оширилади [14; 43-б.].

Тадқиқотларда индивидуал таълим траекторияси “...ҳар бир ўқувчининг қобилияти, салоҳияти, мотивацияси, қизиқишларига мос келувчи ўзига қарашли таълим мақсадини амалга оширишдаги ўқув фаолияти элементларининг маълум изчиллиги (кетма-кетлиги)”, “...ижтимоий, маданий тажрибани онгли равишда тушуниш ва қўллашни талаб қилувчи ёшига мос ёки мос бўлмаган фаолиятни танлаш ҳамда мустақил амалга ошириш” [15; 3-9-б.], “...вариатив ўқитиш асосида таълим олувчининг тажрибаси ҳамда шахсий фазилатларини ривожлантириш натижалари ва жараёни” [8; 23-б.], “...ҳар бир ўқувчи ўқув фаолияти услубининг мотивацияси, ўқиши ва педагог билан ҳамкорликда амалга оширишига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши” [1; 4-б.] сифатида қаралади.

А.В.Хуторской индивидуал таълим траекториясини ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчини шахсий салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг алоҳида ўзига хос йўли сифатида талқин қилади ҳамда “...ўз таълимининг: мазмуни, мақсади, вазифалари, суръати, ўқиш шакли, методлари, натижаларни баҳолаш, назорат тизими каби асосий компонентларини педагог билан ўзаро келишилган ва англаган ҳолда танлаш” имкониятига эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди [13; 99-155-б.].

Кўриниб турибдики, тадқиқотчилар томонидан ушбу тушунчаларни изоҳлашда яқдиллик етишмайди ва улар айрим ҳолатларда синоним, баъзи ҳолларда эса маълум хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилувчи категориялар сифатида кўрсатилган. Тадқиқотимиз давомида мазкур тушунчалар моҳияти ва уларга ёндашувларга оид илмий-методик адабиётлар мазмунининг таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

Индивидуал таълим дастури – педагогнинг касбий эҳтиёжлари, қийинчиликлари ташхиси натижалари, қизиқишлари, мотивлари асосида мустақил тузиладиган, шахсий-касбий ривожланишига йўналтирилган,



узлуксиз касбий ривожлантириш тури ва шакллари мақбуллаштириш имконини берувчи ҳамда мустақил таълимни назарда тутувчи дастурни ифода этади.

Индивидуал таълим йўналиши – педагогнинг индивидуал таълим дастурини вақт мезонлари ва босқичларига боғлиқ ҳолда ўзлаштириш изчиллигини маслаҳатчининг кузатувида амалга оширилиши ҳамда ўқув жараёнининг мавжуд шароитларига мослашувчанлигини белгилайди.

Индивидуал таълим траекторияси – педагогнинг таълим жараёнида шахсий салоҳиятини амалга ошириши, касбий такомиллашуви, ўз мавқеини англаши, ўзини намоён қилишига доир белгилаган, онгли ва тажрибаларига асосланган ўзига хос алоҳида ҳаракат йўли.

Демак, педагогнинг касбий ривожланишида ўз таълим фаолиятини лойиҳалашининг бир-бирини тақозо қилувчи учта даражаси ажратилди. Индивидуал таълим траекторияси индивидуал таълим дастури ва йўналишининг мавжудлигини (мазмунни белгилаш, режалаштириш, таҳлил) ҳамда уни амалга оширишнинг пухта ишланган усуллари, яъни таълим жараёнини ташкил қилиш технологиясини назарда тутди.

Индивидуал таълим траекторияси узлуксиз касбий ривожлантириш муҳитининг чегараларини, имкониятларини кенгайтиради, педагогларда мотивларининг мустаҳкамланиши, касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг қулай ва самарали воситаларини танлаш ҳамда амалга оширишга шароит яратади. Шунингдек, педагогларнинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, касбий қийинчиликлари, эҳтиёжлари, шахсий мотивлари, тажрибаси, малака даражаси ва ижтимоий имкониятларини инобатга олишга хизмат қилади.

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини тузиш ундан касбий эҳтиёжлари миқдорини англаш, баҳолай олиш, лойиҳалаш ва ривожланиш нуқталарини олдиндан кўра олиш каби кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Тадқиқот давомида тингловчилар билан ўтказилган сўровномалар натижалари педагоглар индивидуал таълим траекториясини тузиш ва амалга оширишга ижобий қарашлари ҳамда унга эҳтиёжлари борлигини кўрсатди. “Сиз индивидуал таълим траекториясини тузиш орқали малака оширишни самарали деб ҳисоблайсизми?”, деган саволга қатнашчиларнинг кўпчилиги ижобий жавоб берган бўлсаларда, уларнинг 69 фоизидан ортиғи мустақил равишда индивидуал таълим траекторияларини туза олмасликларини белгилаганлар. Бу эса педагогларнинг узлуксиз касбий ривожлантириш шакли, усуллари, воситалари ҳақида етарлича маълумотга эга эмасликларини ҳамда индивидуал таълим траекториясини тузиш жараёнига илмий-методик кузатувни уюштириш лозимлигини тасдиқлайди. Шу билан биргаликда бу жараёнда малака ошириш таълим муассасаси ўқитувчилари, методистлар, тегишли малакага эга мутахассислар ва педагогнинг яқин ўзаро таъсири алоҳида аҳамият касб этади.



Индивидуал таълим траекториясини лойиҳалашда педагог ва маслаҳатчи ҳамкорликда ишлашлари ҳамда қуйидагиларни инобатга олишлари лозим бўлади:

- педагогнинг умумий касбий тайёргарлиги, иш тажрибаси, касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари;
- касбий ва ижтимоий фаолияти ҳолати;
- психологик хусусиятлари (темпераменти, характери, эмоционаллиги ва б.), коммуникатив хусусиятлари;
- касбий, ижтимоий, билиш мотивларининг шаклланганлиги ва турғунлиги;
- оптимал қарорлар қабул қила олиши, ўзи учун энг қулай ҳамда самарали шакл ва усулларни танлай олиши
- рефлексияси, фаолияти мазмуни, эҳтиёжларини англаши ва б.

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини тузиш алгоритмининг ташхис, мақсадни аниқлаштириш, мазмунни шакллантириш, йўналишни белгилаш, амалга ошириш, таҳлил ва рефлексив баҳолаш босқичларидан иборат бўлиши унинг мантиқий занжирининг изчиллиги, узлуксизлиги ҳамда тугалланганлигини билдиради.

Шундай қилиб, касбий ривожланиш индивидуал таълим траекторияси педагогга ўз компетентлигини такомиллаштиришга фаол интилиш, тезкор рефлексив ростлаш, илмий-методик кузатув асосида касбий, шахсий индивидуаллигини кўрсатиш ва исботлаш, қадриятли-англанган дунёқараши, эътиқодини юксалтириш, илғор тажрибаларини намоён қилиш, оммалаштириш ҳамда алоҳида ўзига хос бўлган профессионализмни ўстиришга шароит яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Вдовина С.А. Кунгурова И.М. Сущность и направления реализации индивидуальной образовательной программы // Интернет журнал «Науковедение». – 2013. – № 6. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://naukovedenie.ru/PDF40PVN613.pdf> (дата обращения: 19.09.2016).
2. Возгова З.В. Деятельностный подход к моделированию региональной системы непрерывного повышения квалификации научно-педагогических работников: дисс... док.пед.наук. – Москва, 2015. – 388 с.
3. Гончарова А.С., Чумичева Р.М. Организация индивидуальной образовательной траектории обучения бакалавров // Вестник НГГУ. – 2012. – № 2. – С.3-11.
4. Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари (тарих фани ўқитувчилари мисолида): Пед. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2007. – 176 б.



5. Ибрагимов А.А. Педагогинг индивидуал таълим траекторияси: моҳияти ва амалга ошириш босқичлари // Самарқанд давлат университети илмий ахборотномаси. – 2017. – 6-сон. – Б. 104-108.
6. Ковалева Т.М., Кобыща Е.И., Попова (Смолик) С.Ю., Теров А.А., Чередилина М.Ю. Профессия «тьютор». – М.-Тверь: «СФК-офис», 2012. – 246 с.
7. Кутузов А.В. Сущность индивидуализации образования в современной школе // Учёные записки Забайкальского государственного университета. Серия: педагогические науки. – 2012. - № 5. – С. 183-190.
8. Маскаева А.М. Проектирование ИОТ обучающихся // Инициативы 21 века. – 2010. - №3. – С. 23-24.
9. Педагогика: энциклопедия. II жилд / тузувчилар: жамоа. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – 376 б.
10. Педагогическая энциклопедия. Т. 2. – М.: Академкнига, 2004. – 456 с.
11. Розанов В.В. Сумерки просвещения. – М.: “Педагогика”, 1990. – 624 с.
12. Стерлягова Е.В. Обучение старшеклассников по индивидуальным учебным планам // Педагогика. – 2014. – № 2. – С. 40-44.
13. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. Теория и технология креативного обучения. – М.: Изд-во МГУ, 2003. – 416 с.
14. Шапошникова Н.Ю. Индивидуальная образовательная траектория студента: анализ трактовки понятия // Педагогическое образование России. – 2015. – № 5. – С. 39-44
15. Щедровицкий Г.П. Очерки по философии образования. – М.: Издательская корпорация “Логос”, 1993. – 235 с.